



SCIENCE BOX

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ АРАБЛАРНИНГ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Искандаров Шерзод Абдиганиевич*

Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Мазкур мақолада Марказий осиё арабларнинг жойлашув хусусиятлари таҳлил қилинган бўлиб, арабларнинг ўша даврдаги хўжалик ва маданий хаётда атрофдаги бошқа халқлар маданиятига нисбатан таъсири ҳам баён қилинган. Бундан ташқари Марказий осиё арабларнинг жойлашув хусусиятлари борасида бир қатор маҳаллий ва хорижий олимларнинг фирмр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган. Ушбу таҳлиллар натижасида фанга бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** араблар, пассив ҳаёт, Марказий Осиё, маданий ҳаёт, турмуш тарзи, «шахарликлар», ассимиляция.

### КИРИШ

Араблар бу даврда хўжалик ва маданий ҳаётда атрофдаги бошқа халқлар маданиятига нисбатан жуда ҳам ночор ахволда эди. Арабларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши маҳаллий халқ этник таркибига унчалик таъсири қилмади. Аммо арабларнинг маҳаллий аҳоли билан иқтисодий, маданий жиҳатдан алоқалари натижасида уларнинг ҳаётида трансформациялашув жараёни юз берди. Турмуш тарзига кўра бир қисми кўчманчи араблар ярим ўтрок, айримлари эса ўтрок ҳаёт кечиргандар. Арабларнинг бაъзилари қишлоқ жойларида кўчиди юришган. Улар маълум чегараларда, фақат мавжуд яйловларга, муйян мавсумларда кўчиди юриб, ўз чорва молларини боқишган. XX аср бошларидан улар этномаданиятида ҳам ўзгаришлар кузатилади. Уларнинг бაъзилари шаҳар ва шаҳарлар атрофига келиб ўрнаша бошлаган. Аммо кейинчалик генетик асосларида эҳтимол бадавийлик сахроийлик хислатлари кўплиги туфайли ёки айrim имтиёзлардан маҳрум этилаётганликлари учун, араблар шаҳарлардан қишлоқларга кўчиди ўта бошлаганлар. Ана шундай сабабларга кўра, қишлоқларга келиб ўрнашганларни маҳаллий аҳоли «балади», яъни «шахарликлар» деб атагандар. Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидағи араблар яшайдиган қишлоқнинг Пўлати номи билан аталиши тилшунос олимларнинг таъкидлашича, арабча «балади» – «шахарлик» сўзи билан боғлиқ бўлган<sup>1</sup>.

Элшунос олима Б. Х. Кармишеванинг ёзишича, Шимолий Афғонистоннинг Балх, Шибирғон, Андхўй, Ахчи ва бошқа мавзеларидан Тоҷикистон жанубига ва Ўзбекистонга кўчиб ўтган арабларнинг (бу ҳодиса XX аср бошларига қадар давом этади) бой чорвадорлари Шарқий Бухоро ерларини танлаган бўлсалар, камбағал араблар сугоришга яроқли бўлган, эгасиз ерларга бориб жойлашган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 75.

<sup>2</sup> Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). – М.: Наука, 1976. – С. 252.



SCIENCE BOX

Араблар воҳаларга келиб жойлашар экан, асосан, минтақанинг жануби-ғарбий ҳудудларини танлаган бўлсалар, шимоли-шарқий ҳудудларида эса зич ҳолда жойлашмаган. Минтақанинг шимоли-шарқий қисмлари, яъни Сирдарё ҳавзаларида эса араблар янги масканлар танлашга унчалик рағбат кўрсатмайдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, минтақанинг жануби-ғарбий қисмлари нисбатан иссиқ иқлимли бўлиб, табиий-географик жиҳатдан бирмунча дашт ва чўллардан иборат эди. Бу эса, асосан, иссиқ ўлкаларда яшаган арабларнинг мижозига мос тушарди. Шимоли-шарқий ҳудудлар, айниқса, Фарғона водийси, асосан, тоғ ва тоғолди ҳудудлардан иборат бўлиб, бу ерларнинг иқлими нисбатан совуқлиги араблар учун муайян нокулайликлар туғдирган<sup>3</sup>.

Арабларнинг илк бор Фарғона водийсида пайдо бўлиши улар томонидан Ўрта Осиё истило этилиши даврига тўғри келади. Одатда истило этилган шаҳарларда бир гурӯҳ араб кўшинлари-гарнizonлари қолдирилган. Уларга маҳаллий аҳолини тинчлантириш ва солиқ йиғиш вазифаси юклатилган эди. Даставвал, араблар маҳаллий аҳолидан биқиқ ҳолда яшасаларда, аста-секин, йиллар ўтиши билан уларга яқинлашиб, кета бошлаганлар<sup>4</sup>.

Фарғона водийси бўйича самарали тадқиқотлар олиб борган элшунос олма С. С. Губаевнинг маълумотларига кўра, арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши VII–VIII асрларда юз берган. Илк марта Фарғона водийга келиб жойлашган араблар айнан қаердан кўчиб келишганлигини билишмайди. Андижон вилоятнинг Бўз, Балиқчи, Избоскент Пахтаобод туманларида араблар қўпчиликни ташкил қилган ва ҳозирги кунгача улар «араб» номини сақлаб қолишган ярим кўчманчи чўпонлар эканлигини эътироф этади. Шунингдек, Наманганд вилояти Чуст туманидаги Ғова қишлоғида яшовчи араблар эндилиқда ўзларини ўзбек деб аташади деб таъкидлайди. Юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Фарғона водийсида араблар фақат этник номинигина сақлаб қолган.

Шундай қилиб, араблар кейинчалик ўтрок ҳаёт тарзига ўтиб, маҳаллий аҳоли билан бирга яшаётганликлари боис, ўз она тилларини унугланлар. Лекин сахрода алоҳида яшаб қолган араблар она тилларини сақлаганлар. Жумладан, Қашқадарё вилоятидаги қишлоқ Пўлати ва унинг таркибидан ташкил топган Раҳимсўфи, Хўжақудук, Андабозор, Бойтерак, Дарча, Қанотли, Бўрихона, Пистали, Номард, Олачабоп, Оғзиқент сингари ўнлаб қишлоқларнинг аҳолиси она тилларини унитишган.

Арабларнинг катта қисмida бугунги кунда ўзбеклашиш жараёни кенг тарқалган. Бухоро вилояти ҳудудида ҳам арабларнинг бир қисми, хусусан, Жондор туманига қарашли бўлган Пўлати қишлоғида жойлашган. Уларнинг таъкидлашича, арабларнинг катта қисми Қашқадарё вилояти Косон туманига қарашли Пўлатидан кўчиб келиб шу ерда яшаб қолишган. Чунончи Чироқчи туманидаги «Чорвадор» қишлоғида истиқомат қилиб келаётган араблар ҳам Пўлатидан кўчиб борган. Улар куда-андачилик, қариндош-уруғчилик анъаналарини узлуксиз давом эттириб келганлар. Уларнинг урф-одатлари, расм-русумлари деярли бир-биридан фарқ қilmайди. Биз зикр этган қишлоқларнинг аҳолиси ўзларининг туб илдизларини Пўлати қишлоғи билан боғлашади.

<sup>3</sup> Ражабов Р. Ўрта Осиёда кечган этномаданий жараёнларда араблар иштироки / “Ўзбекистон ҳудудида кечган этномаданий муносабатлар ва унинг давлатчиликнинг шаклланишидаги ўрни” мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2012 – Б. 146–147.

<sup>4</sup> Абдуллаев У., Валихонова Г. Фарғона водийси аҳолиси этник таркибининг шаклланиши ва этномаданий муносабатлар тарихи. – Тошкент: Navro’z, 2016. – Б. 75.



SCIENCE BOX

Амир Темур ва шайбонийлар ҳукмронлиги даврида кўплаб араблар Арабистон, Эрон, Афғонистондан Марказий Осиёга, жумладан, ҳозир Ўзбекистон ҳудудига кўчириб олиб келинган<sup>5</sup>. Хусусан, бу даврда Кеш билан Насаф оралиғида, Насафдан 35 км, Кешдан 30 км узоқликда Новқад-Қурайш қишлоғида араблар яшашган. Мазкур қишлоқнинг қадимий ўрни ҳозирги Қамаши туманидаги Қорабоғ қишлоғига тўғри келиб, бу ҳудуддаги Олтинтепа Новқад-Қурайшнинг ўрни ҳисобланади<sup>6</sup>.

Ахборотчилар маълумотига кўра, Амир Темур томонидан кўчириб келтирилган арабларнинг бир қисмини Касбидаги дин пешвоси Сайид Ҳазрат Султон Амир Шамсуддин Мирҳайдар соҳибқирондан сўраб олиб қолиб, ҳозирги Косон тумани ҳудудларига жойлаштирган. Арабларнинг мазкур қисми Сайид «мирҳайдари» деб аталиб, Султон Мирҳайдарни ўзларига пир деб билишган ва XX асрнинг 20-йилларигача унинг авлодларига солиқ ҳам тўлашмаган<sup>7</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида очарчилик бўлган йилларда арабларнинг катта қисми ўзи яшаб турган ҳудудни ташлаб, бошқа ҳудудларга бориб жойлашган. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Работак қишлоғида арабларнинг йирик гуруҳи истиқомат қилиб келишган. Араблар таркибиға киравчи Шамол қишлоғида араблар бешкал, қорасоний, замбиртўда ва шамшилла уруғларига бўлинган. Работакнинг Бой ва Сори қишлоғини ташкил этувчи араб мавзесида галаботир, галадевона гурухларига ажралган. Ойваж қишлоғи араблари эса муллагули, қорабеги, шержон ва моҳиби каби уруғларга бўлинади<sup>8</sup>.

Афғонистоннинг Хирот шаҳридан келиб маҳаллий аҳоли таркибиға сингиб кетган хуросон уруғи авлодлари яшаб келмоқда<sup>9</sup>. Балх вилоятида савдо-сотиқ билан шуғулланган араблар Бомдод қишлоғига келиб жойлашган. Кейинчалик тяляр учун кенг ўтлов ва яйловлар керак бўлганлиги сабабли улар Бойсундаги Работ чўлига ва Жарқўрғон туманига қарашли Какайди қишлоғи ҳудудига бориб жойлашганлар. Юқорида номлари тилга олинган уруғлардан ташқари қаршилик, мисрлик каби номларни ҳам учратиш мумкин<sup>10</sup>. Қизириқ туманига қарашли Сурхон қишлоғида арабларнинг шом, истари, гиламбоз, ҳисори каби уруғлари яшайди<sup>11</sup>. Шовшилла, истара, гиламбоз авлодлари бундан 350 йил аввал келиб жойлашган<sup>12</sup>.

Янги ҳудудларга миграция бўлган аҳолининг айнан қайси ҳудудлардан келиб қолганлиги масаласини аниқлаш уларнинг этник келиб чиқишини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғи ва Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Арабхона қишлоғида яшовчи арабларнинг қайси ҳудудлардан кўчиб келганлигини аниқлаш учун уларга «Сизларнинг аждодларингиз қайси давлат ҳудудларидан кўчиб келишган?» деб савол билан мурожаат қилдик.

Сўровномада қатнашган респондентларнинг кўпчилиги (56 фоизи) Яман, Сурия, Ироқ ва Саудия Арабистонининг Макка ва Мадина каби машхур шаҳарларини тилга олдилар. Шу билан биргалиқда респондентларнинг 9 фоизи Афғонистонни аждодлари яшаган жой сифатида эътироф этган. Демак, умуман респондентларнинг 65 фоизи аждодлари қаердан

<sup>5</sup> Ахмедов Ҳ. Арабхона қишлоқ тарихи. – Навоий, 2005. – Б. 4.

<sup>6</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. – М.: Вост. лит-ра, 1963. – С. 180–190.

<sup>7</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи. 2011 йил.

<sup>8</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи. 2011 йил.

<sup>9</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи. 2011 йил

<sup>10</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Какайди қишлоғи. 2011 йил.

<sup>11</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани Сурхон қишлоғи. 2011 йил.

<sup>12</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи. 2011 йил.



SCIENCE BOX

кўчиб келганлиги ҳақидаги маълумотга эгалиги Қашқадарё вилоятида яшовчи арабларнинг тарихий онгига ажоддлари яшаган ҳудуд билан боғлиқ ривоятлар яхши сақланиб қолганлигини кўрсатади. Албатта, араблар орасидаги бу ҳолат уларнинг этник идентиклигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

XX асрнинг 20-йилларида ўтказилган аҳоли рўйхати ва тарихий аҳолишунослик тадқиқотларига таянган ҳолда арабларнинг минтақа бўйлаб жойлашуви ва улар сонининг маҳаллий аҳолига нисбатини ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Масалан, Самарқанд таркибидаги Каттақўрғон уездиде 39490 нафар ўзбек, 5010 туркман, 3755 токик, 535 эроний, 350 қирғиз, 300 Ўрта Осиё яхудийлари каби турли миллатлар каби 7940 нафар ўзларини араб қавмига мансуб деб билган аҳоли вакиллари қайд этилган<sup>13</sup>.

1924 йилда Ўрта Осиёнинг миллий ҳудудий чегараланиши муносабати билан ўтказилган текшириш маълумотларига кўра, Бухоро воҳасида ўзбеклар 284753 нафар, тожиклар 39044 нафар, туркманлар 12777 нафар ва бошқа миллат вакиллари 12416 нафарни ташкил этган бўлса, араблар 31511 нафар бўлиб, умумий аҳолининг 8 фоизи араблардан иборат эканлиги қайд этилган<sup>14</sup>. Шуни эътиборга олиш лозимки, Косон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Фузорда яшаб келаётган араблар маҳаллий аҳолининг таркибига сингиб кетган.

1926 йилги маълумотларга кўра Хоразм воҳасида арабларнинг сони 1248 кишини<sup>15</sup>, Фаргона водийсида жами 2130 нафар кишини ташкил этган<sup>16</sup>. Водий ҳудудида жойлашган арабларнинг ҳар бир групни алоҳида кичик-кичик қишлоқларда тарқоқ ҳолда яшаган.

Сурхон воҳасида араблар Шеробод беклигининг Работак қишлоғида яшаган. Бу қишлоқ Шамол, Бой, Сари(1926 йилда 228 хўжалик бўлган) каби 3 қисмга бўлинган. Ўтмишда Работак «уч юз уйли араб» деб аталган<sup>17</sup>. Ўша даврида Қашқадарё вилоятиҳудудидаги қишлоқларнинг 29 тасида араблар яшаган<sup>18</sup>.

Шуни эътиборга олишимиз лозимки, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилиб келаётган арабларнинг сони 1926 йилда 27977 нафар эканлиги қайд этилган. Аммо XX асрнинг 50–60-йилларда Ўрта Осиё арабларининг умумий сони 6,4 минг нафар бўлиб, шундан Ўзбекистонда 5,4 минг нафар бўлганлиги ҳақида расмий маълумотлар берилган<sup>19</sup>. Бу каби пассив демографик кўрсаткични 1979 (2039 нафар) ва 1989 (2805 нафар) йиллардаги аҳолини рўйхатга олиш материалларида ҳам кузатиш мумкин<sup>20</sup>.

Араблар сонининг бундай камайиб бориши албатта совет даврида олиб борилган миллий сиёsat натижасида арабларнинг ҳам кўпчилиги ўзбек миллати таркибиغا қўшиб ҳисобланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу ўринда бир нарсага эътибор қаратиш лозим, улар эҳтимол маҳаллий халқ таркибига сингиб кетган ёки ўз она юртига кўчиб кетган бўлиши

<sup>13</sup> Сборник материалов для статистики Самаркандинской области за 1887–1888. – Самаркандин, 1890. – С. 161–203.

<sup>14</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. – Ташкент, 1926. Ч. 1. – С. 289.

<sup>15</sup> Материалы по районированию Средней Азии... Ч. 1. Хорезм. – С. 288.

<sup>16</sup> Материалы Всероссийской переписи 1920 г. Перепись населения в Туркестанской Республике. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 г. Вып. IV. 1924. Ч. I. – С. 32–33.

<sup>17</sup> Турсунов Н. Н. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих. фанлари. номзоди. дисс... автореф. – Тошкент, 2006. – Б. 63.

<sup>18</sup> Сайдов М., Равшанов П. Жайнов тарихи... – Б. 33.

<sup>19</sup> Каранг: Ўзбек совет энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 425–426.

<sup>20</sup> Этнический атлас Узбекистана. – Ташкент: Узбекистана, 2002. – Б. 27.



SCIENCE BOX

мумкин. Аммо тадқиқот ўтказилган даврда бирор-бир арабнинг бугунги кунда тарихий юрти Араб мамлакатларига кўчмаганлигини бир қатор ахборотчиларимиз таъкидлашди<sup>21</sup>.

Ўрта Осиё ва хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги арабларда демографик кўрсаткичларнинг пассив даражасини табиий, миграцион, ассимиляция жараёнлари билан боғлаш албатта ноўрин бўлади. Бу борада советларнинг миллый сиёсати натижасида кам сонли ҳалқлар босқичма босқич, сунъий равишда титул миллатлар таркибида қўшиб ҳисоблаш ҳолатларини эътиборга олиш лозим. Хусусан, 50–80-йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати материалларида арабларнинг сони кескин камайтириб кўрсатилган ва расмий ҳужжатларда, фуқаролик паспортларида ҳам уларни ўзбек (тоҷик, туркман каби) миллати сифатида қайд этилган.

Ҳар бир ҳалқнинг қадими ўтмиши билан боғлиқ жараёнлар этник тарихи, моддий ва маънавий маданияти, турли-туман уруғ ва қабиласи, турмуш-тарзи, шунингдек, урфодатларини ўрганиш бугунги кундаги ўта долзарб масалалардан биридир. Ана шундай муаммолардан бири арабларга оид бўлиб, уларнинг номи билан боғлиқ жой номларини республикамиз ҳудудида кўплаб учратиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 75.
2. Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). – М.: Наука, 1976. – С. 252.
3. Ражабов Р. Ўрта Осиёда кечган этномаданий жараёнларда араблар иштироки / “Ўзбекистон ҳудудида кечган этномаданий муносабатлар ва унинг давлатчиликнинг шаклланишидаги ўрни” мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2012 – Б. 146–147.
4. Абдуллаев У., Валихонова Г. Фарғона водийси аҳолиси этник таркибининг шаклланиши ва этномаданий муносабатлар тарихи. – Тошкент: Navro’z, 2016. – Б. 75.
5. Аҳмедов Ҳ. Арабхона қишлоқ тарихи. – Навоий, 2005. – Б. 4.
6. Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. – М.: Вост. лит-ра, 1963. – С. 180–190.
7. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи. 2011 йил.
8. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи. 2011 йил.
9. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Какайди қишлоғи. 2011 йил.
10. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани Сурхон қишлоғи. 2011 йил.
11. Сборник материалов для статистики Самаркандинской области за 1887–1888. – Самарканд, 1890. – С. 161–203.
12. Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. – Ташкент, 1926. Ч. 1. – С. 289.
13. Материалы по районированию Средней Азии... Ч. 1. Хорезм. – С. 288.

<sup>21</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарканд вилоятлари қишлоклари. 2011–2019 йиллар.





SCIENCE BOX

# JOURNAL OF INNOVATIONS IN SOCIAL SCIENCES

[www.sciencebox.uz](http://www.sciencebox.uz)

**Volume: 03 Issue: 03 / March - 2023**

**ISSN: 2181-2594**

14. Материалы Всероссийской переписи 1920 г. Перепись населения в Туркестанской Республике. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 г. Вып. IV. 1924. Ч. I. – С. 32–33.
15. Турсунов Н. Н. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник ҳусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих. фанлари. номзоди. дисс... автореф. – Тошкент, 2006. – Б. 63.
16. Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи... – Б. 33.
17. Ўзбек совет энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 425–426.
18. Этнический атлас Узбекистана. – Ташкент: Узбекистана, 2002. – Б. 27.
19. Дала ёзувлари. Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари қишлоқлари. 2011–2019 йиллар.

